

2020 йил 7 март

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

Ф А Р М О Н И

8 МАРТ — ХАЛҚАРО ХОТИН-ҚИЗЛАР КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

◀(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Сабиrowa Вазира Талиповна — Меҳнат фахрийси, Тошкент шаҳри

Тураева Гавхаржан Ибрагимовна — Гурлан туманидаги «Наврўз» фольклор-этнографик халқ жамоаси бадий раҳбари, Хоразм вилояти

Шодмонова Мавлюдаҳон — Марҳамат туманидаги «Барҳаёт Нозимжон Ғайзи» масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Андижон вилояти

Юнусова Манзураҳон Пазлиддиновна — Андижон вилояти ҳокимининг ўринбосари — маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бошқармаси бошлиғи

Юсупова Тути — Ўзбек Миллий академик драма театри актрисаси

I даражали «Соғлом авлод учун» ордени билан

Жалолова Сабоҳат Ашуркуловна — Сарийосё туманидаги 29-умумий ўрта таълим мактабининг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти

Муминова Мадина Рашидовна — Наманган шаҳридаги «Baby plaza» хусусий мактаби директори, Наманган вилояти

II даражали «Соғлом авлод учун» ордени билан

Асланова Дилбар Хасановна — Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтининг илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректори, Самарқанд вилояти

Аҳмеджанова Покиза Шавкатовна — Гулистон шаҳридаги «Болалар шахарчаси» директори, Сирдарё вилояти

Рахимова Муҳаддас Араловна — Яккабоғ туманидаги «Маданият текстиль кўп тармоқли» масъулияти чекланган жамиятининг ишлаб чиқариш таълими устаси, Қашқадарё вилояти

Сабуrowa Инжигул Жумабаевна — Ўзбекистон давлат филармонияси Қорақалпоғистон Республикаси бўлинимасининг «Муҳаллес» дуторчилар ансамбли башии-созандаси

Усманова Саодат Умаровна — Наманган давлат университетининг педагогика ва психология кафедраси катта ўқитувчиси, Наманган вилояти

ПРЕЗИДЕНТИМИЗНИНГ

ОЛИЙ МАЖЛИСГА

МУРОЖААТНОМАСИ

ХОРИЖЛИК ЭКСПЕРТЛАР

ДИҚҚАТ МАРКАЗИДА

БЎЛИБ КЕЛМОҚДА

◀1**Анил ШАСТРИ, Лаъл Баҳодир Шастри** институти бошқаруви кенгаши раиси (Ҳиндистон):

— Президент Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси муҳим тарихий ҳужжат бўлиб, давлат раҳбари бошчилигида Ўзбекистонда тадрижий тараққиётнинг кенг жиҳатларини таъминлашни ўзида акс эттирди.

Ўзбекистон раҳбарияти томонидан илм-фан ва таълимнинг ролини ошириш, уни янги замонавий ривожланиш босқичига олиб чиқиш бўйича қўрилаётган чора-тадбирлар таҳсинга лойиқ. Мамлакат рақобатбардорш иқтисодиётга интилмоқда. Шунингдек, давлат раҳбари солиқни сақлашнинг муҳимлигини таъкидлади. Чунки мамлакат ўз фуқароларига юқори сифатли тиббий ёрдам кўрсатиши керак.

Ўзбекистон ва Ҳиндистонни кўп асрлик дўстлик ришталари боғлаб туради. Одамлар турмуш тарзи, икки мамлакат халқларининг бой анъаналари ва урф-одатлари ўхшаш. Менинг отам, Ҳиндистоннинг иккинчи Бош вазир Лалл Баҳодир Шастри 1966 йил 11 январь куни Покистон билан тинчлик шартномаси имзоланганидан сўнг Тошкентда вафот этди. Ушбу шахарда унинг порлоқ хотираси шарафига ҳайкал ўрнатилганини Ҳиндистон халқига ҳурмат сифатида қабул қиламиз.

Шу ўринда Ҳиндистон ва Ўзбекистон халқларининг қардошлик алоқалари мамлакатларимиз ўртасида дўстона муносабатларни янада мустаҳкамлаш, уни ривожлантиришга хизмат қилаётганини таъкидлашни истардим.

Саркан КАЯЛАР, Туркия ҳамкорлик ва мувофиқлаштириш агентлиги (ТИКА) ижрочи директори:

— Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида Ўзбекистон чуқур ислохотлар ва тараққиёт даврини бошлади. Ҳаракатлар стратегияси ҳамда бошқа кўплаб истиқболли дастурларга ҳамоҳанг бўлган Олий Мажлисга Мурожаатнома мамлакат олдидаги аниқ истиқболдаги мақсад ва вазифаларни аниқ белгилаб берувчи «Йўл харитаси»дир. Туркия ҳамкорлик ва мувофиқлаштириш агентлиги ушбу Мурожаатномада ифода этилган йўналишларда Ўзбекистонга кўмак беришга тайёр.

ТИКА Ўзбекистонда 1993 йилдан буён фаолият юритиб келмоқда. Таълим, тиббиёт, малака ошириш каби бир неча йўналишларда мақсадли лойиҳаларни рўёбга чиқардик. Сўнгги уч йил давомида лойиҳаларимизни ишлаб чиқишда Президент Шавкат Мирзиёев нутқларида белгиланган вазифаларга алоҳида эътибор қаратдик. Шу маънода, Мурожаатнома Ўзбекистоннинг Анқарадаги элчихонаси томонидан турк тилида чоп этилиши бизга қўлайлик туғдирди.

Сўнгги йилларда фаолиятимиз натижалари бирмунча ўсган. Хусусан, 2018 йили икки давлат муносабатларида туб бурилиш ясаган олий даражадаги музокаралар бизнинг лойиҳаларимизга ижобий таъсир кўрсатди. Юртингизга замонавий тез тиббий ёрдам машиналари топширдик, Адлия вазирлиги билан ҳамкорликда мобил халқ қабулхоналари ташкил этишга қўмаклашдик. Шавкат Мирзиёев белгилаб берган тараққиёт режалари ижросига биз ҳам ўз ҳиссасини қўшишда давом этамиз. Келгуси йилларда бундай лойиҳаларимиз янада кўпайишига умид қиламиз.

«Дунё» АА.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

Ф А Р М О Н И

8 МАРТ — ХАЛҚАРО ХОТИН-ҚИЗЛАР КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН

МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ҳайтова Роҳат Аҳмаджоновна — Вобкент туманидаги «Баркамол авлод» болалар мактаби директори, Бухоро вилояти

«Дўстлик» ордени билан

Абдуллаева Максуда Султановна — Урганч туманидаги «Урганч парранда инвест» хусусий корхонаси раҳбари, Хоразм вилояти

Акрамова Зулайхо Абдуразоқовна — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси аъзоси

Ахмадалиева Нодира Кахрамоновна — Андижон туманидаги «Gold Andijan pharma» қўшма корхонаси директори, Андижон вилояти

Баходирова Валентина Григорьевна — Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамиятининг Қамаши тумани ташкилоти раиси, Қашқадарё вилояти

Джавланова Кимёхан Курбанбаевна — Куйи Чирчиқ тумани ҳокимлигининг хотин-қизлар кенгаши аъзоси, Тошкент вилояти

Жолимбетова Айтгул Аймбетовна — Мўйноқ туманидаги 15-умумий ўрта таълим мактаби директори, Қорақалпоғистон Республикаси

Камбарова Насиба Ахмадалиевна — Ўзбекистон Миллий телерадиокмпаниясининг фахрий диктори **Мустафаева Замира Рустамовна** — Фаллаорол туманидаги «Сарбозор қурилиш транς» хусусий корхонаси раҳбари, Жиззах вилояти

Облобердиева Зухро — «Хунарманд» уюшмасининг Бухоро вилояти бошқармаси аъзоси, каштачи-уста

Сабитова Мадия Иркиновна — Кармана туманидаги «Полипропилен қувурлар» масъулияти чекланган жамияти директори, Навоий вилояти

Саидбекова Даҳиятпочо Бабаевна — Сўх туманидаги «Сариканда» қишлоқ врачлик пунктининг умумий амалиёт шифокори, Фарғона вилояти

Сувоновa Дилбар Набиевна — Термиз шаҳридаги 12-Меҳрибонлик уйи директори, Сурхондарё вилояти

Суцепина Виктория Дмитриевна — «Тошкент қувур заводи» қўшма корхонаси раҳбари, Тошкент шаҳри

Умарова Нигора Телмановна —Ўзбекистон Республикаси Президентини хузуридаги Давлат бошқаруви академиясининг маънавият ва маърифат кафедраси мудири

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЕВРООСИЁ

ИҚТИСОДИЙ ИТТИФОҚИ БИЛАН

ҲАМКОРЛИГИ МАСАЛАЛАРИ

МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида 6 март куни мамлакатимизнинг Евроосиё иқтисодий иттифоқи (ЕОИИ) билан ҳамкорлиги юзасидан олиб борилган таҳлилий ва комплекс баҳолаш ишлари якуни бўйича тегишли хулоса ва тақлифларни Олий Мажлис палаталарига киритиш масалалари муҳокамасига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев парламентга йўллаган Мурожаатно-масида ушбу муҳим масала Ҳукумат томони-дан Олий Мажлис палаталари муҳокамасига киритилиши ва халқ вакиллари билан батаф-сил кўриб чиқилишини маълум қилиб, бунда энг аввало, халқимизнинг манфаатларидан ке-либ чиқиб, уларнинг хоҳиш-иродасига таяни-шимиз лозимлигини алоҳида таъкидлаган эди. Қайд этилганидек, Ўзбекистонда амалга оширилаётган янги босқичдаги ислохотлар са-мараси жаҳон иқтисодиёти тизимига интегр-ациялашиш, айникса, худудий жиҳатдан яқин мамлакатлар билан савдо-иқтисодий алоқалар-ни янада ривожлантиришга боғлиқ. Чунки иқти-содий интеграция маҳсулотнинг рақобатбар-дошлигини ошириш, таннархни пасайтириш, янги технологиялар олиб келиш, транзит сав-дони кенгайтириш, бозор ислохотларини жа-дал ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга.

Бугунги глобаллашув жараёнида мамлака-тимиз жаҳон ишлаб чиқариш тизими, халқаро бозор талаблари ва иқтисодий интеграция жа-раёнларига ҳамоҳанг бўлиши лозим.

Ўзбекистоннинг ЕОИИ билан ҳамкорлигини атрофича ўрганиш ва чуқур таҳлил қилиш мақ-садига Вазирлар Маҳкамаси, тегишли вазир-лик ва идоралар вакилларидан иборат ишчи гуруҳ томонидан иқтисодий интеграция маса-ласида мамлакат иқтисодиётининг йирик 16 тармоғида ўрганиш ишлари олиб борилди.

Йиғилишда мазкур масала бўйича етакчи

мустақил консалтинг компаниялари ва илмий-тадқиқот муассасаларининг изланишлари, хо-рижий ва маҳаллий мутахассислар томонидан билдирилган тақлиф ва хулосалар кўриб чи-қилди. Бунда Ўзбекистоннинг ЕОИИ билан ҳам-корлиги доирасидаги иқтисодиётнинг йирик тармоқлари, жумладан, саноат, ташқи савдо сиёсати, божжона-тарифларини тартибга солиш механизми, меҳнат миграцияси, стандарт-лаштириш ва ветеринария, санитария, фито-санитария назорати сингари кўплаб масала-лар бўйича экспертларнинг хулосалари ўрганиб чиқилди.

Ўзбекистоннинг Жаҳон савдо ташкилоти ва ЕОИИга интеграция жараёнлари ўзаро боғлиқ-лиги қайд этилди.

Евроосиё иқтисодий иттифоқи билан ҳам-корлиқнинг Ўзбекистон миллий иқтисодиётига таъсирини комплекс ўрганиш натижасида те-гишли вазирлик ва идоралар томонидан амал-га оширилиши зарур бўладиган чора-тадбир-лар белгиланди ҳамда ЕОИИ билан қузатувчи-давлат мақомида ҳамкорлик қилиш тақлифи маъқулланди.

Йиғилиш якуни бўйича таҳлилий ва комп-лекс баҳолаш ишлари асосида ишлаб чиқил-ган хулоса ва тақлифларни Олий Мажлис па-латаларига тақдим этиш юзасидан қарор қабул қилинди.

ЎЗА.

Умарова Нодира Нигматуллаевна — Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги қошидаги «Ишга марҳамат» мономаркази директори

Усманова Израбу Ариповна — Риштон туманидаги «Израил Израбон» оилавий корхонаси раҳбари, Фарғона вилояти

Холбекова Бегойим Абдурахмоновна — Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг инглиз тили таржима назарияси ва амалиёти кафедраси катта ўқитувчиси

Шаназарова Азиза Абдумаликовна — Америка Қўшма Штатларининг Колумбия университети профессори

Ширинова Мавлюдаҳон Расуловна — «Сабр» Республика

ижтимоий-иқтисодий ривожланиш маркази директори

Эрматова Назокат — Боёвут туманидаги «Зиёкор» маҳалла фуқаролар йиғини раиси, Сирдарё вилояти

«Содиқ хизматлари учун» медали билан

Абдуллаева Умида Хазратовна — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бош бошқармаси бошлигининг ўринбосари — хотин-қизлар масалалари бўйича бўлим бошлиғи

Бобокулова Гули Ражабовна — Ўзбекистон Республикаси Давлат божжона қўмитасининг Бухоро вилояти божжона бошқармаси «Олот» чегара божжона пости катта инспектори

«Шуҳрат» медали билан

Бекназарова Саида Сафибуллаевна — Тошкент ахборот технологиялари университетининг аудиовизуал технологиялар кафедраси профессори

Бовакулова Мавжуда Раҳимбердиевна — Янгийўл шаҳридаги «Baxor style» масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Тошкент вилояти

Дададжанова Ирода Абдулазизовна — Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгашининг «Ёш куч» журнаи бош муҳаррири

Игамбердиева Паризод Кадировна — Фарғона давлат университетининг кимё кафедраси катта ўқитувчиси, Фарғона вилояти

Инакова Барноҳон Баходировна — Андижон давлат тиббиёт институтининг педиатрия ва неонатология кафедраси мудири, Андижон вилояти

Исломова Гулмира Рахмоновна — «Хунарманд» уюшмасининг Нурота тумани бўлими аъзоси, каштачи-уста, Навоий вилояти

Каримова Навбахор Валижановна — Ўзбекистон Миллий телерадиокмпаниясининг «O'zbekiston 24» телеканали сиёсий шарҳловчиси

Мамадиёрова Юлдузой Каршиевна — Шахрисабз туманидаги «Shakhrisabz tour» масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Қашқадарё вилояти

Мамарасулзода Зулҳумос Абулкосим қизи — Жиззах вилояти маданият бошқармаси қошидаги «Мақом» ансамбли мақомчиси

Мансурова Муниса Анваровна — Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтининг тикув буюмларини конструкциялаш ва технологияси кафедраси мудири

Рахматова Фароғат Шавкатовна — Денов туманидаги «Smart kids» нодавлат мактабгача таълим муассасаси мудири, Сурхондарё вилояти

Турдимуратова Айнур Бахтибаевна — Нукус шаҳридаги «Жайхун универсал қурилиш» масъулияти чекланган жамияти кран машинисти, Қорақалпоғистон Республикаси

Халикова Хамида Азимжоновна — «Бекободцемент» акциядорлик жамиятининг цех тегирмон машинисти, Тошкент вилояти

Химматова Юлдузой Шахритдиновна — «Навоийазот» акциядорлик жамиятининг цех аппаратчиси, Навоий вилояти

Хусайнова Нафиса Рустамовна — Самарқанд шаҳридаги «Samarkand-England eco medical» қўшма корхонасининг сифат таъминоти бўлими бошлиғи, Самарқанд вилояти

Хусанова Гавхар Мамаражабовна — Сайхунобод туманидаги «Ўлбаҳор зиё китоб савдо» масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Сирдарё вилояти

Шукурова Гулчехра Шойикуловна — Қоракўл туманидаги «Гуллиар чехраси» масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Бухоро вилояти

Эшчанова Жавҳар Атахановна — Янгибозор туманидаги «Ҳамид Олимжон» маҳалла фуқаролар йиғини раиси, Хоразм вилояти

Ўзбекистон Республикаси	Ш. МИРЗИЁЕВ
Президенти	
Тошкент шаҳри, 2020 йил 6 март	

ДУНЁДА

МОТУРИДИЯ

ТАЪЛИМОТИГА

ҚИЗИҚИШ КУЧЛИ

Самарқанд шаҳрида ўтказилган “Имом Абу Мансур Мотуридий ва мотуридия таълимоти: ўтмиш ва бугун” мавзудида халқаро конференция давомида иштирокчилар юртимиз тарихи, маърифатпарвар аجدодларимиз ҳақида ёрқин таассуротга эга бўлдилар. Буни уларнинг куйидаги фикр-мулоҳазаларидан ҳам билиш мумкин.

Муҳаммад Фарид бин ШАҲРАН, Малайзия Исломни англаш институти шариат, ҳуқуқ ва сиёсат маркази директори:

— Улуғ аллома Имом Абу Мансур Мотуридийнинг киндик қони тўкилган замин-ни кўриш, унинг қабрини зиёрат қилишни кўпдан буён орзу қилардим. Шу боис бу конференция ҳаётимдаги ёрқин воқеа бўлиб қолди. Мотуридия таълимотини тарғиб қилиш, аллома томонидан яратилган асар-ларни таржима қилиб, ўрганиш бугунги кун-да олдимизда турган энг катта вазифалар-дан биридир.

Хурейр КАМ, Гамбург университети Дунё динлари академияси профессори:

— Мотуридия таълимотини ўрганишга бар-ча мусулмон давлатларда қизиқиш жуда юқори. Ўзим Туркияда туғилганман. Берлин-да улғайиб, ўша ерда таълим олдим. Бугун-ги кунда ислом дини тараққиётига улкан ҳисса қўшган буюк шахсларнинг меросини ўрганиш бўйича илмий ишлар қиялпман. Са-марқандда ўтган нуфузли анжуманда “Ал-


Мотуридийнинг дуализмга асосланган билиш назарияси” мавзуида маъруза қилдим. Мотуридия таълимотини бутун дунёга ёйиш бўйича билдирилган тақлифларни қўллаб-қувватлайман.

Шайх Муҳаммад Рафиъ УСМОНИЙ, Покистон бош муфтийси, Карачи ислом университети президенти:

— Конференция кўтаринки руҳда ўтди. Тадбирда Мотуридийнинг устози Абу Бақир Жужонийнинг ўрни ва аҳамиятини ҳам ўрганиш лозимлиги қайд этилди. Бу, албатта, келгусида ўзининг ижобий самарасини беради.

Анжуман доирасида азим Самарқанд бўйлаб саёҳат, муқаддас қадамжолар зиёра-ти ҳам менда катта таассурот қолдирди. Мотуридий мақбараси жойлашган Чокардиза қабрстонида бўлиб, улуғларнинг хотираси-ни ёд олганимиз руҳимизга руҳий енгиллик бағишлади. Бу ерда 400 нафар Муҳаммад исмли азизларнинг қабрлари борлиги бу қадамжонинг қанчалар муқаддаслигини бил-дириб турибди.

Абдулазиз ЙЎЛДОШЕВ (Халқ сўзи) ёзиб олди.



ЎЗБЕКИСТОН — ТУРКИЯ:

СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИК МУНОСАБАТЛАРИ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

Тошкентда 6 март куни Ўзбекистон — Туркия муносабатларининг устувор йўналишлари ва истиқболларига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Президентини хузуридаги Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти томонидан Халқаро му-носабатлар ахборот-таҳлил маркази, “Тараққиёт стратегияси” маркази билан ҳамкорликда ташкил этил-ган тадбирда Туркия элчихонаси ҳамда Туркия ҳамкорлик ва му-вофиқлаштириш агентлиги (ТИКА) ходимлари иштирок этди.

Давра суҳбатида Ўзбекистон — Туркия стратегик шериклик муно-сабатлари истиқболлари Президентии-миз Шавкат Мирзиёевнинг жорий йил февраль ойда Туркия Респу-бликасига амалга оширган ташфири якунларидан келиб чиқиб муҳокама этилди.

Ташриф доирасида 19 февраль куни Анқара шаҳрида Олий дара-жадаги Ўзбекистон — Туркия Стра-тегик ҳамкорлик кенгашининг би-ринчи йиғилиши ўтказилди. Ушбу кенгаш мамлакатларимиз ўртасида-ги мулоқотнинг янги шакли бўлиб, Президентлар ҳамраислигида фао-лият олиб боради.

Дунёнинг илғор давлатларидан бири ҳисобланган Туркия Респуб-

ликаси билан стратегик ҳамкорлик ўрнатилиши Ўзбекистоннинг янги-ланган ташқи сиёсати тамойилла-рига тўла мос келади. Икки томон-лама ҳамкорлиқнинг мустаҳкамла-ниши савдо-иқтисодий ва инвести-циявий алоқаларни янада ривож-лантириш, мамлакатларимиз ўрта-сида транспорт-коммуникация тизи-мини тақомиллаштириш имконини беради.

Ўзбекистон ва Туркия бизнес ше-риклиқни ривожлантириш бўйича улкан имкониятларга эга экани таъкидланди. Туркиянинг юқори инвестициявий салоҳияти ва Ўзбе-кистон бозоридagi иштирокини яна-да кенгайтиришга бўлган кучли қизиқиши инвестиция соҳасидаги ўзаро ҳамкорлиқни кучайтиришга хизмат қилади. Шу ўринда таъкид-лаш жоиз, Туркиянинг чет элга йўналтирилган сармоялари ҳажми 2000 — 2017 йиллар даврида 20 ба-равар ўсиб, 40 миллиард долларга етган.

Мамлакатларимизнинг савдо-иқтисодий алоқалари мунтазам ўсиб бориш хусусиятига эга. 2016 йилда

1,2 миллиард долларни ташкил эт-ган ўзаро савдо ҳажми 2019 йил якунига кўра 2,5 миллиард доллар-га етди. Фақат сўнгги бир йилда ушбу кўрсаткич 27 фоиз ошди. Яқин йилларда ўзаро савдо айланмаси-ни 5 миллиард долларга етказиш кўзда тутилган. Ушбу вазифани бажариш учун тегишли механизм ишлаб чиқилган.

Ўзбекистон ва Туркия ўртасида преференциал савдо тўғрисидаги битимни имзолашга тайёрлаш, маз-кур битимга киритиш тақлиф эти-лаётган маҳсулот турлари рўйхати-ни кенгайтириш масалалари ҳал этилмоқда, ушбу ҳужжатнинг амалий ижроси тартиби келишиб олинди.

Бизнес доиралари фаолияти се-зиларли кучайди. Сўнгги икки йил-да Ўзбекистонда 750 дан зиёд турк корхоналари очилди, Туркия капи-тали иштирокидаги компаниялар сони 1 минг 306 тага етди.

Давра суҳбати иштирокчилари Туркиянинг туризмни ривожланти-ришдаги улкан ижобий тажрибаси Ўзбекистоннинг сайёҳлик салоҳия-тини юзага чиқаришда асқатишини таъкидлади. Ўзбекистон Республи-касида 2019 — 2025 йилларда ту-ризм соҳасини ривожлантириш кон-цепциясига мувофиқ, ЯИМ ҳажми-

да туризм ҳиссаси-ни 5 фоизгача етка-зиш (2017 йилда 2,8 фоизга тенг бўлган), мамлақати-мизга сайёҳлар оқими-ни 9 миллион кишига чиқариш ре-жал



*Халқаро байрамингиз
муборақ бўлсин,
азиз ва мунис онаҳонлар,
латофатли опа-сингиллар!*

(«Халқ сўзи»нинг навбатдаги сони 8 март, яшанба кўни чиқади.)

Халқ сўзи
Народное слово

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан
рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 356. 62 878 нусхада босилди,
ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юқлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ТЕЛЕФОНЛАР:

Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.



Таҳририятга келган қўлазмалар тақриз қилинмайди ва
муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг сўзлаб берилиши учун обунани
расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор
А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига
“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.
Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• **МАНЗИЛИМИЗ:**

100000,

Тошкент шаҳри,

Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — Ш. Гафоров.

Мусахҳиҳ — С. Исмолов.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 00.10 Топширилди — 02.20 1 2 3 4 5 6

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси